

АРОФАТ УСМОНОВА

# ИШҚ ҒАСЛИ

*шеърлар*


Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2005

84(54)6-5 Бадийий эъдобиёт —  
Шеърлар

Гул — қуёшга қараб очилади, нурга таллинади. Илло, Гул — қалб  
акси, унинг энг бетаҳрор, гўзал тасвиридир. Арофат Усмонова шеърла-  
рида ана шундай нафислик, қалбни гулдай очиб тақдим этиш хусусияти  
бор. Самимият, ишонч, муҳаббатга асирлик — сатрлардан-сатрларга  
ўтиб, садоланади.

Ўйлаймизки, ёш, истеъдодли шоира Арофат Усмонова шеърсева  
юртакларга йўл топади.

10 3 20 26  
091



ISBN 5-633-01830-3

© Арофат Усмонова «Ишқ фасли», «Янги аср авлоди», 2005 йил.

## НУРЛИ МАНЗИЛЛАР САРИ

Андижон дунёга не-не даҳоларни берган саховатли диёрдир. Бобур Мирзолар, Нодирабегиму Чўлпонлар, Саидахониму Муҳаммад Юсуфлар севиб, соғиниб яшаган табаррук маскан бу.

Бугунги кунда вилоятимизда яшаб ижод қилаётган устозлар Олимжон Холдор, Тўлан Низом, Ҳанифа Солиҳова, Қамчибек Кенжа, Фарид Усмон, Усмон Шукур, Қобил Мирзо ва Муҳсин каби ижодкорлар изидан бораётган ёшлар сафи тобора кенгаймоқда.

Муҳаммад Сиддиқ, Икромжон Аслий, Зилола Абдуллаева, Шоҳруҳ Жураев, Раъно Эгамбердиева, Мансур Бек, Қундуз Эгамова, Назокат Мирзаева каби ёшлар республика ва вилоят миқёсида ўтказилаётган адабий анжуманларда, мушоира ва кўрик-танловларда иштирок этиб, ўз билим ва малакаларини ошириб бормоқдалар, катта адабиёт сари интиломоқдалар.

Шулардан бири ёш умидли шоира Арофат Усмоновадир. У бир неча йиллардан буён шеърлар машқ қилиб келади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими қошидаги адабий тўғарак машғулотларида мунтазам қатнашади. Унинг ижод намуналари Республикамининг даврий нашрларида, жумладан, «Маърифат», «Туркистон», «Андижоннома», «Иқбол», «Келажак», «Водий шифокори» каби газеталарда эълон қилинган.

Арофат ёш бўлишига қарамай ижодда ўзига нисбатан анча талабчан, кўп китоб мутолаа қилади, шеърининг сержило гулшанидан ўзига хос, нафис ва гўзал гуллар териб, халққа тақдим этиш иштиёқида яшайди. Унинг шу кунгача «Соғинч», «Дилим дунёси» номли шеърининг тўпламлари чоп этилган, «Қумрилар қўшиғи» номли ёшлар алманахига туркум шеърлари киритилган.

Арофат Усмонова 2005 йил август ойида Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа туманида ўтказилган «Ақчақўл илҳомлари»,

Республика ёш ижодкорларининг кўрик-танловида иштирок этиб, устоз шоирлар эътиборига тушди ва ушбу кўрик-танловнинг олий ўринига сазовор бўлди.

Арофат қайси мавзуда шеър ёзмасин, аввало қалб тугёнига қулоқ тутади. Ёш шоира Ватанга, онага, ёру дўстларига бўлган юксак меҳр-муҳаббатини қалб ҳарорати билан уйғун тарзда ўз шеърларида акс эттиришга уринади:

*Ўзлим англолмай минг куйда ёндим,  
Юрт ишқи оловдир, куйдирар дилим,  
Минг битта туйғудан, минг ҳисдан тондим,  
Ватаним, мадҳингга айланмай тилим...*

Арофат эндигина 18 ёшга қадам қўйди. Аммо унинг орзулари жуда юксак. Ўзлигини англашга, шеърятнинг нурли манзилларига интилаётган ёш шоирага ижодий парвозлар тилаймиз.

*Хушидабону,  
Ўзбекистон Ёзувчилар ушюмаси  
Андижон вилояти бўлими раҳбари*

## ВАТАН

Қўлга қалам олдим мен неча бора,  
Ватанни куйламоқ истадим бедор.  
Афсус, нотавон дил ғоят бечора —  
Барча уринишлар бўлдилар бекор.

Хаёлий севгини, хаёлий ёрни,  
Шеърга солмоқликдан асло толмадим.  
Куйладим қисматни, шодлик, озорни,  
Лек Ватанни шеърга сола олмадим.

Юрак сирларимни қаламга айтдим,  
Аллоҳим қалбимга бир нурни солди.  
Лек Ватан деганда ҳар битта байтим  
Титради!  
Сатрлар тугамай қолди...

Ўзлигим англолмай минг кўйда ёндим,  
Юрт ишқи оловдир, куйдирар дилим.  
Минг битта туйғудан, минг ҳисдан тондим,  
Ватаним, мадҳингга айланмай тилим...

Юракда янграйди бетимсол қўшиқ,  
Илоҳий тарона — Ватан ҳақида.  
Уни куйламоққа забоним интиқ,  
Ошуфта дилимда собит ақида.

Ватаним, ишқимни қалбда асрайман,  
Мен сени севаман бўлиб безабон.  
Сенга жоним фидо этишга шайман,  
Сен ахир дилдаги муқаддас иймон!

Сўзларга сирмайди мадҳинг бепоён!

\* \* \*

Чизгин - чизгин ёрдуларга уфқ чўлронди,  
Бепоеън чўл оқ шомини кутиб олмоқда.  
Юракда бетизгин ҳислар уйронди,  
Табиат бетимсол сурат солмоқда.

Ер-осмон туташиб кетгандай гўё,  
Булутлар яширар Бобо Қуёшни...  
Кўз олдимда пайдо бўлади рўё,  
Тушуниб бўлмайди дилим бебошни...

Табиат,  
Мўъжиза яратган ҳилқат!!!  
Во ажаб, бетакрор ҳатто тиканинг!  
Англаб етдим бугун,  
Буюк ҳақиқат —  
Сени ҳис қилмоқлик эканинг!!!

## ҚИЗҒАЛДОҒИМ

Бир кун келиб бу дунёдан кетар бўлсам,  
Фаришталар маконига етар бўлсам,  
Ва ҳамманинг хаёлидан кўтарилсам,  
Фақатгина сен унутма, қизғалдоғим.

Сенга айтган сирларимни сақлай билгин,  
Сенга бўлган ишончимни оқлай билгин,  
Бир дили хун дугонангга меҳринг бергин,  
Қайтолмасам мени кутма, қизғалдоғим.

Онажоним фарёд этса бергил далда,  
Ёлғизлатма уни асло дардли дамда,  
«У қайтади» деб ишонтир, майли алда,  
Сўнгра йиғла, дардни ютма, қизғалдоғим.

Бу дунёдан топганларим бўлди армон,  
Не истасам бари баланд, бари осмон,  
Қизғалдоқжон, қабрим сенга бўлсин макон,  
Сўзларимни сен унутма, қизғалдоғим,  
Билмайсан-да, сенсиз яшаш қандай оғир...

## ХИТОБ

*«Ахир яшашимга арзийди онам,  
Ташлаб кетморимга дунё арзимас...»  
Гулжамол Асқарова...*

Кўз ёшга тўлади паймонам,  
Ўйламанг жолалар арзиммас.  
«Ахир яшашимга арзийди онам,  
Ташлаб кетморимга дунё арзимас»

Ҳа, гарчи минг гавро солади бошга,  
Охир оғир келар шўрлик бардошга.  
Манглайим тегса—да харсангга, тошга,  
Ташлаб кетморимга дунё арзимас.

Онамнинг сочига қўнган қор ўзим,  
Онамга бетимсол ифтихор ўзим.  
Дунё беролмагай онамга тўзим?  
Ташлаб кетмоғимга дунё арзимас.

Лаҳзада чақмоқдай ёнади умрим,  
Бир куни тинади сайроқи қумрим.  
Ҳаётга эгилмам, балад гурурим,  
Ташлаб кетмоғимга дунё арзимас!

\* \* \*

Сингилжоним, майли, йиғла мардлар учун,  
Кўз ёш тўкма номард берган дардлар учун.  
Сабр қилсанг сенга бахтни берар очун,  
Шунда барча ҳавас этар қиз бўласан.

Таъна тоши отганларнинг тоши бекор,  
Биласанми сен танҳосан, сен бетакрор.  
Бир кун келиб қалбинг ичра яшнар баҳор,  
Шунда барча ҳавас этар қиз бўласан.

Осмондаги ой ҳам сен—ла ҳусн талош,  
Қалбингдаги орзуларинг мисли қуёш,  
Бу ҳаётнинг синовига эгмасанг бош,  
Барча ҳавас айлагулик қиз бўласан!



## ДУГОНАМ...

Бўралаб, бўралаб ёғар қор оппоқ,  
Тикилиб, тикилиб тўймайман сира.  
Сенинг йўлларингга бўлиб мен муштоқ,  
Ёдимга тушади илиқ хотира.

Ёдимда... Ўйнардик бирга қорбўрон,  
Яхмалак отардик ҳув анов қирдан.  
Вақт ўтиб барчаси эҳ, дугонажон,  
Ўзгариб кетдилар негадир бирдан.

Ёдингдами, дўстим қорга термулиб,  
Гўёки самода қилардик парвоз.  
Сўнг минг бир хаёлни орзулаб, кулиб,  
Ўйнардик, сен ва мен, қандай эди соз.

Қирғоғи музлаган тиниқ анҳорга,  
Қортўп ясардик-да отардик уни...  
Бугун ёғаётган биринчи қорга  
Сўзладим, болалик-беғубор кунни.

Олис қишлоғимнинг қайноқ қўйнида,  
Яшаб ўтаяпсан ўз ҳаётинг-ла.  
Мен ўша гўшанинг соғинч кўйида,  
Яшаяпман юрак дардини тинглаб...

## ДЎСТИМ

Бу ҳаётнинг сўқмоқларида  
Дўстим, менинг елкадошим бўл!  
Авёр қўйган тузоқларида  
Қолиб кетмай, сен қўлдошим бўл!

Яхши кунда ёнимда юргин,  
Ёмон кунда қаршимда тургин.  
Садоқатнинг гапгани сургин,  
Дўстим, доим сен сирдошим бўл!

Айтай сенга дилда борини,  
Қисматимнинг ёмғир, қорини.  
Муҳаббатим мунгли зорини,  
Дўстим, доим сен дилдошим бўл!

Қувончларни кўрайлик баҳам,  
Бахт бизлардан кетмасин ҳеч ҳам.  
Табассумга йўғрилсин олам,  
Дўстим, доим сен йўлдошим бўл!

## ОДАМЛАР

Бошимни эгса гар алам ва ғамлар,  
Кўздан аримаса кўз ёши — намлар.  
Қўлдан кетса ҳамки бахт ила омад,  
Сизга суянаман азиз одамлар!

Бошимда порласа қувонч қуёши,  
Бўлсам дўстларимнинг суюк дилдоши.  
Бир сўз бор доимо кўнглим йўлдоши,  
Сизга суянаман азиз одамлар!

Сизга дилда борин келади айтгим,  
Мурувват, меҳрингиз — бу менинг бахтим.  
Сизга аталгандир ҳар битта байтим,  
Сизга суянаман азиз одамлар!

## ИЗТИРОБ

Азоблари баррим тилган золим дунё,  
Айтгил нечун тушунмайсан, ҳолим дунё?  
Дардларимга малҳам бўлар айт, ким дунё?  
Юраккинам изтиробга ватан бўлди,  
Сабр косам бугун тўлди, бугун тўлди.

Мен йиғладим, кўз ёшларим ичга оқди,  
Шум тақдирнинг шум нигоҳи менга боқди.  
Армонларим олов бўлиб дилим ёқди,  
Юраккинам изтиробга ватан бўлди,  
Умид гули кўксим аро тамом сўлди...

Ишқ боғининг маҳзунаси — мен бир гунча,  
Ўзимдайин ёр тополмай куйдим мунча?  
Токи битта дилдош, сирдош топилгунча,  
Юраккинам изтиробга ватан бўлди,  
Юраккинам...

## ОРЗУЛАР

Йўлларимга зиё берди, нур бердилар,  
Яшаш учун завқ ила сурур бердилар,  
Оташин қалб, қалам ва гурур бердилар,  
Орзуларим, орзуларим, оқ орзулар.

Улар билан хоксор умрим осмон бўлди,  
Мигтти юрак дунё бўлди, жаҳон бўлди.  
Гоҳо ҳаёт лаззати, гоҳ армон бўлди,  
Орзуларим, орзуларим, оқ орзулар.

Қарогимга чиқолмаган кўз ёш, улар,  
Дилимдаги содиқ дўсту бардош, улар,  
Ҳаётимни ёритгувчи қуёш, улар,  
Орзуларим, орзуларим, оқ орзулар.

## К У З

Оғир-оғир хаёлларга толаман,  
Кайфият ғалати, кайфият эзгин.  
Баъзан жон — дилимдан севиб қоламан,  
Баъзан ёмон кўргум куз хазонрезгин.

Атрофга боқаман, ҳамма ёқ маъюс,  
Осмон ҳам мен каби, йирлайди юм-юм.  
Нечун ғамгин, нотинч, хаёлчансан куз,  
Чувалиб кетади чексиз хаёлим.

Заррин, заъфаронга бурканган олам,  
Гўё ҳар дарахтда бир қуёш пайдо.  
О, куз мен ҳуснингга асирман шу дам,  
Олтин япроғинга бўлдим-ку шайдо.

Нақадар ажойиб, бари муштарақ,  
Ғамбода хаёллар, гўзал ҳиссиёт.  
Бу митти қафасга сирмайди юрак,  
Парвоз этмоқ учун айлайди фарёд.

Пойимга тўкилди япроқлар хазон,  
Ҳавода айлабон бетакрор парвоз.  
Олтин куз мадҳингга сўз топмай шу он,  
Пойқадаминг узра булай пойандоз...

## ТУРНАЛАР

Куз келди-ю учиб кетди турналар,  
Улар парвозидан кўнглим тирналар.  
Баҳор келганида олам турланар,  
Баҳор келганида албат қайтинг, турналар.

Сиз-ла учиб кетди менинг хаёлим,  
Орзуим, армоним, қувонч, фарёдим.  
Фақат сизда, ахир, сиздадир ёдим,  
Баҳор келганида албат қайтинг, турналар.

Тимсолсиз турналар Сиз садоқатга,  
Дўстликка, вафога ва муҳаббатга.  
Орзуларни рўёб этинг албатта,  
Армонсиз қайтинглар, қайтинг турналар.

Қанотларингизда учгим келади,  
Орзулар осмонин қучгим келади.  
Бу фоний дунёдан ҳар ким кетади,  
Фақат сизлар қайтинг, қайтинг турналар.

Яхшилик, ёмонлик ёнма-ён ҳар он,  
Не бахт муҳаббатга садоқат қалқон.  
Гар бўлолмасангиз севгига посбон,  
Қайтмангиз, қайтмангиз, қайтманг,  
турналар...

## СҮНГГИ ЯПРОҚ...

Қўрқади ёмғирдан, бевақт шамолдан,  
Умри поёнида ўртар оғир дард.  
Ўлим ҳақ. Куч олар иймон — аъмолдан,  
Саловат айтади, ҳатто сўнгги дам.

Қўрқар изғириндан — тилайди паноҳ,  
Одамлар гуноҳин Худодан сўраб.  
Унга меҳрим бисёр, чорасизман, оҳ,  
Ёрдам беролмайман, ҳолини кўриб.

Аввал шаббодалар унга дўст эди,  
Энди ҳаётига солмоқчидай чанг.  
«Ўша бахтли кунлар қаерда энди»  
Дея ашқин берди осмонга, қаранг.

Юракни чўлғади, ғалати, сезги  
Табиат борлиққа сеп ёйди оппоқ.  
Сўнгра ҳукм айтди, куз, хазонрезги...  
...Узиди...  
Сирдошим...  
Энг сўнгги япроқ...

## АТИРГУЛ

Нафис товланади алвон атргул,  
Хушбўй ифорига маст бўлиб гўё.  
Парвона бўлади ошиқ зор, булбул,  
Англолмай бу ҳусн саробми, рўё.

Қирмизи атиргул тебранар нафис,  
Уни хуш эркалар ўйноқи сабо.  
Вужудим чулради ҳайратомуз ҳис  
Сўнг бу мўъжизага айтдим тасанно.

Қирмизи атиргул нафис чайқалар,  
Тилимда бир сўзнинг такрори фақат:  
«Покиза ишқ албат гулга айланар!»  
Қирмизи атиргул... дилимда...

Дилимда очилган буюк Муҳаббат!

## МАЖНУНТОЛ

Мажнунтол япрори аста шитирлаб,  
Олис-олислардан дoston сўйлайди.  
Ёвгаётган ёмғир майин шивирлаб,  
Сўрайди: юрагинг кимни ўйлайди?

— О, юрак, сўйлагин ёмғирга борин,  
Гар у айтса фақат, тупроқда айтар.  
Сўзлагин севгининг тотли озорин,  
Балки шунда бахтинг ёнингга кайтар.

Сукунат... Сокинлик... Жим-житлик ҳоким,  
Юрак сирларини ошкор айтмайди.  
Тупроқда қоришса бир сиқим хоким,  
Ҳатто... руҳим сенинг исминг асрайди...

## ФАРЁД

Дил осмон бўлморин жуда хоҳладим  
Ва олис самога кўнгил борладим.  
У айтди: Сен хоксан — бир ҳовуч тупроқ,  
Орзумга етолмай кўксим доғладим.

Соф виждон бўлмоқни жуда хоҳладим,  
Дунёни унутиб ўзни оқладим.  
У айтди: Сен асли гуноҳкор, гумроҳ,  
Гуноҳим юволмай ўксиб йиғладим.

Мен... ўзим... бўлмоқни жуда хоҳладим,  
Бўғзимда муз қотди нола — оҳларим.  
Наҳот басир эдим, сизни йўқотиб,  
Энди... ўзлигимни топмай доғладим...

Ва хазон бўлмоқни жуда хоҳладим...



## ТОҒЛАР

Эй тоғлар, мен сизга талпиндим,  
Пойингиз энг сўнгги маконим.  
Шўх дарё эдиму, лек тиндим,  
Бўғзимга қадалди бу жоним.


Эй тоғлар, янглишиш менга хос,  
Севгимдан ўзгани дедим ёр.  
Нетайки топмадим эҳтирос,  
Ўзингиз мардонам, улуғвор.

Эй тоғлар, мен сизни севаман,  
Сизсиз бу юрагим тўлмайди.  
Дилимдан тошмоқда минг дардим,  
Сизларсиз бахтим бут бўлмайди.

Эй тоғлар, бир лола бўлайин,  
Қаърига беркитсин бағрингиз.  
Майлига, сизни деб сўлайин,  
Лек мени ҳеч кимга бермангиз.

Эй тоғлар синангиз сабримни,  
Сиздан ҳеч кетолмам мен тониб.  
Тошларга жойлангиз қабримни,  
Қоламан сизларга ишониб...

Қоламан ҳисларга ишониб...



## ИЛТИЖО

Ўн саккиз минг олам яратган Эгам,  
Ўн саккиз йилдирки илтижодаман.  
Илоҳий ишқ ҳадя этгил менга ҳам,  
Зора, маҳзун кўнглим бўлса бир чаман...

Ёздим, ёзавердим ўзгалар дардин,  
Ҳис қилиб куйладим фақат ўшани.  
Қайлардан излайин хаёлий мардим,  
Исламоғим даркор қайси гўшани?..

Ўн саккиз йил олдин, қўш юракларни,  
Абадий борлаган пок ришта бўлдим.  
Бутун осмон қадар оқ тилакларни,  
Қалбига жойланган фаришта бўлдим...

Севмоқ-севидмоқлик бахтини тилаб,  
Парвардигоримга саждалар қилдим.  
Кўксимдаги дунё роят ишқталаб,  
Ё Раб,  
Муҳаббат бер унга бир чимдим...

## САНДИН ЎЗГА

Оллоҳ, маним сандин ўзга илоҳим йўқ,  
Онт ичаман, ишқдан бўлак гуноҳим йўқ.  
Бу дунёнинг ташвишидан бир оҳим йўқ,  
Фарёд урай илоҳий ишқ йўлларида...

Дил торларим сени куйлар мудом авжда,  
Кечирмоғинг сендан сўраб қилай сажда.  
Насиб қилса висолингни тилай Ҳажда,  
Бир қул бўлай илоҳий ишқ йўлларида...

Муҳаббатга садоқат-ла тирик инсон,  
Пок туйғулар сочар йўлга нури иймон.  
Ишқ деб ўлсам қолмагай ҳеч қалба армон,  
Тупроқ бўлай илоҳий ишқ йўлларида...

Жисмим асли ҳовуч хоқдан яратилди,  
Сўнг покиза ҳислар ила яйратилди.  
Тилим фақат шукроналар айтар энди,  
Дарвеш бўлай илоҳий ишқ йўлларида...

## МУҲАББАТГА ОШНО ҚАЛБЛАР

Тўрт фасли абадий баҳор бўлади,  
Қўшиғи то абад ёр-ёр бўлади,  
Бегонаси қайғу, озор бўлади,  
Муҳаббатга ошно бўлса қалб!

Яшагай доимо севиб-севилиб,  
Севгини илоҳий мўъжиза билиб,  
Ишқ берган Тангримга саждалар қилиб,  
Муҳаббатга ошно бўлса қалб!

Шукрки, менинг ҳам юрагим денгиз,  
Хаёлий шаҳзодам дунёда тенгсиз,  
У ҳам балки кутар, йўлимни менсиз,  
Қалбин муҳаббатга ошно этиб!..

\* \* \*

Тингланг...  
Таралмоқда ажиб бир наво,  
У эртак айтмоқда жуда ҳам маҳзун.  
Кўз олдимда яна бўлади пайдо,  
Хотиралар...  
Йўллар...  
Узундан-узун...

Бу куйни тинглайман такрор ва такрор,  
Йўлларга боқаман соғинчга тўлиб.  
Муҳаббат  
Яшагин доим барқарор,  
Шу куйдай ҳаётим мазмуни бўлиб...

## ШАҲЗОДАМ

Хаёлларим ичра менинг йўлдошим,  
Дилим дунёсида азиз дилдошим.  
Севгим саройимда суюк сирдошим,  
Қачон остонамга ташлайсиз қадам,  
Хаёлларим шоҳи буюк шаҳзодам.

Таърифга сирмайсиз сизни сўйласам,  
Бахтдан энтикаман сизни ўйласам.  
Сўзларга сирмагай сизни куйласам,  
Қачон остонамга ташлайсиз қадам,  
Тушларимда кўрган суюк шаҳзодам.

Замин қаттиқ экан, узоқмиш фалак,  
Даҳри дун кажрафтор, шум чархифалак.  
Сизни гирён излаб, бу жоним ҳалак,  
Қачон остонамга ташлайсиз қадам,  
Орзуим осмонида офтоб шаҳзодам.

Балки, бизни тақдир учраштирмайди,  
Балки, мен излаган бахтни бермайди.  
Юрак ўзга ёрни асло демайди,  
Икки дунё аро нажот шаҳзодам,  
Хаёл борки сиз ҳам ҳаёт шаҳзодам.

## БАХТ БАЁТИ

*«Биз бахтли бўламиз Худо хоҳласа»*

*Муҳаммад Юсуф*

Биз бахтли бўламиз Худо хоҳласа,  
Босган қадамимиз бўстон бўлади.  
Икки муштоқ дилни пок ишқ борласа,  
Интиҳоси-гўзал дoston бўлади.

Садоқат ҳеч қачон топмас ниҳоя  
Кун келиб, сиз мени топасиз албат.  
Ҳозирча хаёллар қилар кифоя,  
Дийдорталаб қалба тордаин тоқат.

Тақдир юдузимиз бўлсалар йўлдош,  
Бизни учраштирар тақдири азал.  
Илоҳий ишқ ҳаққи тўқаман кўз ёш,  
Сизнинг ҳақингизда битаман ғазал.

Биламан, бир куни бахтли бўламиз,  
Бизлар муҳаббат деб келдик дунёга.  
Ўлсак фақат ишқни қучиб ўламиз,  
Қўл силтаб ҳижронга, ёлрон, рўёга.

Бахтни ўзгалардан изламанг, зинҳор,  
Ахир бағритошим, ёнингиздаман.  
Сизга мен умрбод бўлгум вафодор.  
Шунда ҳаётимиз бўлади чаман.

Биз бахтли бўламиз Худо хоҳласа...

## АҲД

*«Атиргулга айланаман»  
Замира Рўзиева*

Бегим, сенинг қўлларингда  
«Атиргулга айланаман»...  
Сўнгра бахтнинг саройига  
Малак этиб сайланаман...

Ишқнинг қайноқ қучорида  
Ғунча эдим, очиламан.  
Сенинг юрган йўлларингга,  
Ифор бўлиб сочиламан.

Садоқатга вафо ила,  
Абад жавоб берадирман.  
Бетимсол ишқ уммонида,  
Садаф бўлсанг, мен - чи дурман.

Жондан севгин, мени доим,  
Шунда бахтинг бўлажакман.  
Кипригингда асрасанг гар,  
Қароғингга тўлажакман.

Сенга бахтли келажакман!?

## КЕЛДИНГИЗ

Келдингиз,  
Сиз мени излаб, азизим,  
Кўзларимда севинч ёнди ошкора.  
Сиздай бўла олур, айтинг, менга ким?  
Осмонсиз, мен сизга якто моҳпора!

Келдингиз,  
Қайғулар чекинди тамом,  
Бахтлар пешвоз чиқди, бугун йўлимга.  
Изҳорингиз мунча ширин, хуш калом,  
Гулу чечак унди ўнгу сўлимга.

Келдингиз,  
Нурларга чўмди борлигим,  
Зимистон бутунлай ортимда қолди.  
Садоқатим эди ёлғиз ёрлигим,  
Ё Раб, аламларим буткул йўқолди!

Келдингиз,  
Малика бўлдим, қалбингиз  
Қаъридаги ўшал сирли саройга.  
Энди биздан қолур, бир дoston, бир из,  
Севгимизнинг мадҳи етади ойга.

Келдингиз...



\* \* \*

Азизим, қалбингиз куйдирган туйғу,  
Менинг дилимга ҳам бермоқда озор.  
Менда ҳам тунлари йўқ сира уйқу,  
Мен ҳам соринаман сизни интизор.

Азизим, Таигримга шукр беадад,  
Сиздай инсон билан рўбарў қилди.  
Сизнинг меҳрингиздан дилда муҳаббат,  
Туғилди, садоқат тантана қилди.

Азизим, бахтлиман, бахтлисиз сиз ҳам,  
Бахтимизга сира кўзлар тегмасин.  
Сиз менга, мен сизга бўламиз малҳам,  
Ишончни беҳуда гумон енгмасин.

Азизим, қувончим ҳамроҳидирсиз,  
Йиғласам дунёни айлайсиз абгор.  
Сиз кўнглим кўшкетининг чин шоҳидирсиз,  
Султоним, мен сизга бўламан тумор.

Азизим, Сиз минг бор берган саволга,  
Жавобим: «Мен сизни севаман доим!»  
Севгимиз ҳеч юз тутмасин заволга,  
Бахтимизни албат берсин Худойим!

\* \* \*

Меҳрибоним, меҳри бисёрим,  
Сиз ҳаётим, борлигим, борим.  
Сиз ўзингиз чин ифтихорим,  
Орзуларим осмонисиз сиз!

Жоним фидо бол сўзингизга,  
Қараб тўймам ҳеч кўзингизга.  
Кўз тегмасин-ей ўзингизга,  
Муҳаббатим султонисиз сиз!

Сиз мен кутган ўша шаҳзодам,  
Сиз борсиз-ки ҳаётим, бекам.  
Такрор айтинг: «Маликам, бекам!»  
Юрагимнинг хоқонисиз сиз!

Бегим! Танҳо бўлайин сизга,  
Бегим! Зухро бўлайин сизга.  
Кўз тегмасин пок севгимизга,  
Рақибларим армонисиз сиз!

## **КЎЗЛАРИНГ...**

Кўзларингга термулдим жоним,  
Ҳайҳот улар дoston сўзлайди.  
Сен ўзингсан жону жаҳоним,  
Лек айтолмай дилим бўзлайди.

Кўзларингда беғуборлик бор,  
Алдамайди қалбинг кўзгуси.  
Йўлларимни тўсар гурур, ор,  
Айтгим келар: «Сен дил орзуси».

Ҳаётимни тутсам қўлингга,  
Уни жондай асрайсанми, ёр?  
Рози бўлиб мен деб ўлимга,  
Мени дея яшайсанми, ёр?

Юрагимга кўмилган ишқни,  
Кўрай десанг, боқ кўзларимга.  
Қўш юраклар куйлар қўшиқни  
Сенга айтмай, айтаман кимга?

Дардим дилга сиймай қолганда,  
Кўзларимдан таралар ниҳо.  
Таваллони қилмайман қанда:  
«Севгилимни асрагил, Худо!»

\* \* \*

Ранжмайман қисматимдан,  
Чунки дардим — дунёйим бор.  
Кам эмасман мен ҳеч кимдан,  
Ишққа тўла зийим бор!

Қадамимдан гуллар унар,  
Борар бўлсам дийдор дея.  
Қалб азобдан қувонч йўнар,  
Омон бўлсин ул ёр, дея...

\* \* \*

Мендан ўтган ўжар экансиз,  
Қарамайсиз бир бор қайрилиб.  
Токай шундай ўтар экансиз,  
Туйғуларга наштарлар уриб.

Билиб қўйинг аёлнинг макри,  
Қирқ туяга бўлар экан юк.  
Ғар хоҳласам қалбингиз аро,  
Яратаман муҳаббат буюк!

## ИШҚ ДЕЯ

Юлдузлар нур сочар осмон тоқида,  
Уларга сўзлайман дардим ҳақида.  
Дилда собит мудом битта ақида —  
«Ишқ дея туғилдим, ишқ деб ўламан!»

Тилларанг оймомо ёлғиз сирдошим,  
Ҳар нега чидарман, етар бардошим.  
Минг битта ғаврога қолса ҳам бошим,  
Ишқ дея туғилдим, ишқ деб ўламан.

Майлига сийласин мени шум тақдир,  
Кетаётган йўлим биламан ҳақдир.  
Тилагим покиза, ниятим покдир,  
Ишқ дея туғилдим, ишқ деб ўламан.

Муҳаббат — номусим, муҳаббат — орим,  
Муҳаббат ҳаётим, муҳаббат — дорим.  
Қанча умр берсанг арш тождори,  
Ишқ дея туғилдим, ишқ деб ўламан!

## АЙРО ЙЎЛЛАР

Йўллар ёмон, жуда ҳам ёмон,  
Иккимизга тушди-ку айро.  
Айро йўлда муҳаббат ҳайрон,  
Айро йўлда соф ишқим қаро.

Нечун эрта кетди баҳорим,  
Ошно бўлдим ноилож кузга.  
Чертилмади қалбимда торим,  
Тил келмади бир оғиз сўзга.

Тўқнашганда нигоҳларимиз,  
Ерга қараб эгиларди бош,  
Тўкиларди гуноҳларимиз,  
Тўкилмоқда энди шўр кўзёш.

Йиғламайман, бу қисмат — тақдир,  
Тилагимиз шу: Сизга берсин бахт.  
Мен ҳаёни қилгандим қадр,  
Сизда эса етмади журъат.

Айтмадингиз, айтмадим мен ҳам,  
Ўша бизлар кутган нидони.  
Айро йўлга ташладик қадам,  
Энди айтмоқ даркор... виждони...

## **БАРИБИР...**

Йўқ энди ёзмайман, Сиз ҳақда сира,  
Билингиз шу менинг сўнгги қарорим.  
Сиздан мерос қолган мунгли хотира,  
Унутилар энди, йўқ оху — зорим.

Йиғламайман энди, қаранг, табассум,  
Кўзларимдан зоҳир, юзимдан аён.  
Билмайман ушбу кун бокира, маъсум,  
Туйғулар қайларга кетдилар, қаён?

Энди бу ҳаётга бошқача буткул,  
Буткул ўзга кўз-ла нигоҳ ташлайман.  
Сизни деб бу юрак бўлмас энди кул,  
Энди нурга тўла ҳаёт бошлайман.

Йўқ, энди ёзмайман, сиз ҳақда ашъор,  
Унутилар энди, ҳам ила алам.  
Бу сўзни такрорлаб, ҳар куни минг бор.  
Барибир...  
Сиз ҳақда ёзар бу қалам.

\* \* \*

Эрта ё индинга қайтиб бораман,  
Азизим, қушдайин учиб ёнингта.  
Сўнг шартта ҳижронни лойга қораман  
Ва таскин айтаман жисму жонингта.

Соғиндингми мени?  
Юрагинг нотинч,  
Сени ҳам изтироб сил қилса керак!?.  
Менга ҳам ҳеч тинчлик бермайди соғинч,  
Муштоқ юракларда ҳислар муштарак.

Азизим, не қилай, нималар қилай?  
Жамолинг кўзимдан нари кетмайди.  
Тангримдан ёлвориб васлингни тилай,  
Бошқа ҳеч нарсага ҳаддим етмайди.

Фироқ деб аталмиш азалий ағёр,  
Чекинди.  
Ёнингта ошиқадирман.  
Пешвоз чиқиб тезроқ йўлларимга ёр,  
Кутиб ол бир даста атиргул билан!



\* \* \*

Мендан кетиб кўринг, азизим,  
Ўшшармикан менга бировлар.  
Бетакрордир ҳар битта сўзим,  
Ҳеч тузоқсиз қалбингиз овлар.

Рашк аталмиш туйғу домида,  
Икки кўзим кўр бўлди менинг.  
Сўнг худ-бехуд гумон комида  
Азобларим зўр бўлди менинг.

«Кетаверинг»... Кўз юмиб дедим,  
Бу сўзларни олов ичинда.  
Гоҳо ҳайдаб, гоҳ чорлаб бегим,  
Сизни севиб яшайман чиндан.

«Кетинг» эмиш, кетиб кўринг-чи,  
Дунёсига ўт қўйгум шу он.  
Ўзга қизнинг сочин ўринг-чи,  
Бошингизга қулайди осмон.

Мендай яхши, мендай ёмонни,  
Кўрганмисиз айтинг, севгилим?  
Фидо қилинг сиз менга жонни.  
Жонингизга жон бўлай ўзим.

«Кетиб кўринг...» Бу доимий дўқ,  
Лекин сизсиз менга ҳаёт йўқ!

## ТАВАЛЛО

Бек йигитнинг бағридан бахт топиларми,  
Бек йигитча менга сендай топинарми,  
Узоқ кетсам мени сендай соғинарми?  
Молу-давлат, олтину зар қуриб кетсин,  
Пешонамга фақат сени, сени битсин.

Соғинчларнинг саҳросида селдир жоним,  
Соғинганда остонамга кел бир, жоним.  
Сен деб ёнар маним борим, жон-жаҳоним,  
Муҳаббатнинг изтироби қуриб кетсин,  
Пешонамга фақат сени, сени битсин.

Жисм айро, кўнгил битта, бирдир юрак,  
Бирдир ният, бирдир бизнинг орзу-тилак.  
Эгиз қалбда барча туйғулар муштарак,  
Даргоҳига таваллолар бориб етсин,  
Пешонамга фақат сени, сени битсин.

О, султоним, шоҳсуворим, бегим менинг,  
Пойинг узра поёндоздир севгим менинг.  
Сеникидай сарафроздир севгим менинг,  
Армонларни кўнгил мозорларга элтсин,  
Пешонамга Аллоҳ сени, сени битсин.

Ҳажримда минг кўйда ёнган, эй, девонам,  
Билмайсан-да сен деб тўлар дил-паймонам.  
Не қилсанг қил, рози айла ота-онам,  
Ёр-ёр наво мени остонангга элтсин,  
Пешонамга фақат сени, сени битсин.

## ДИЛФУЗ

(Йигит қўшиғи)

Ойдан ойдин ой юзли ёрим,  
Муҳаббатда топган туморим,  
Гўзалликда тенгсиз дилдорим,  
Сиз қалбимда порлаган юлдуз,  
Дилингиздан жой беринг, Дилфуз.

Кўзингизга боқиб ёнаман,  
Сўзингизга мен девонаман,  
Сиз гул бўлинг, юрагим чаман,  
Баҳоримни айламасдан куз,  
Дилингиздан жой беринг, Дилфуз.

Юрак яқин, орамиз олис,  
Тилак чақин, ниятим холис.  
Бир кун сизни ҳам ёқар шу ҳис,  
Ўша кунни кутмасдан ҳануз,  
Дилингиздан жой беринг, Дилфуз.

Мажнун бўлдим, билмайсиз нечун,  
Лайли бўлиб келмайсиз нечун.  
Кўчангизни кезаман ҳар кун,  
Гулдан гўзал, гўзалим, гулюз,  
Дилингиздан жой беринг, Дилфуз.

Қалбим сизга этганман тортиқ,  
Севдим сизни ҳаммадан ортиқ.  
Борсиз, бахтим бекаму-тўлиқ,  
Қачон эрир кўксингизда муз,  
Дилингиздан жой беринг, Дилфуз.

Орзум, менга малика бўлинг,  
Хонадонимга бека бўлинг.  
Бахт бағрида ойдайин тўлинг,  
Дил боримдан гул теринг, Дилфуз.  
Дилингиздан жой беринг, Дилфуз!

\* \* \*

Эй, сулув жаноним, моҳитобоним,  
Киприги найсоним, қоши камоним.

Ҳажрингда лаҳча чўғ бўлди-ку юрак,  
Бир бора келсанг-чи жону жаҳоним.

Тунлари ойимсан, кундуз қуёшим,  
Сен-ла обод эрур орзу осмоним.

Кўзmunчор бўлойин, кўз тегмасин-ей,  
Зулфи суманбарим, сочи райҳоним.

Ҳусну латофатинг асириман мен,  
Кулгичи ярашган шўхи шодоним.

Ибо, ҳаё бари сенда мужассам,  
Борсан, бахтли ўтар ҳар битта оним.

Арофат номингдан ёзди бир ашъор,  
Сен ўзинг баётим, ўзинг дostonим.

\* \* \*

Қўшни қишлоқ, қизгинангни узатдингми?  
Орқасидан тошлар отиб кузатдингми?  
Майли, тошдай қотсин энди ўзга уйда,  
Чидайман-да, ёнсам ҳамки минг бир кўйда.

Қўшни қишлоқ, қизгинангга бахтлар тила,  
Мен чарчадим, уни дуо қила-қила,  
Севгилимдан бир умрга айирдилар,  
Лочин эдим, қанотимни қайирдилар.

Қўшни қишлоқ, энди менинг бегонамсан,  
Энди сира қадам қўймас остонамсан.  
Кўк дарвоза, паст деворлар яхши қолинг,  
Бекачангиз келса мени ёдга олинг.

Қўшни қишлоқ, қизгинангга айтиб қўйгин,  
Ўғил кўрса, унга менинг исмим қўйсин!  
Мен шаҳарга кетаяпман бутун, буткул,  
У ёқларда сероб эмиш куйган кўнгил,  
Ажаб эмас, биттасида очолсам гул...

## **БЕГИМ**

Сизни жуда соғинган эдим,  
Изтиробга оғринган эдим.  
Бутун сизга «Алвидо» дедим,  
Хаёлимда яшаган Бегим.

Келмадингиз, зор бўлиб кутдим,  
Сизга бутун борлигим тутдим,  
Азобларни ичимга кутдим,  
Хаёлимда яшаган Бегим.

Қалб қаърида асраганимсиз,  
Сиз дўстимсиз, сиз ғанимимсиз.  
Излагайман сизни тинимсиз,  
Хаёлимда яшаган Бегим.

Ёққан ёмғир кўз ёшим менинг,  
Қулаган тоғ — бардошим менинг.  
Ҳеч бўлмаса бир бора келинг,  
Хаёлимда яшаган Бегим.

\* \* \*

Тун...  
Сукунат...  
Оймомо фақат  
Менга ишқдан дoston суйлайди.

Хун...  
Рутубат...  
Нечун муҳаббат  
Хиёнаткор кўзим ўймайди.

Афсус...  
Фурур  
Тилларим борлаб,  
Сенсизликка маҳкум этади...

Ҳануз  
Масрур  
Армон дил дорлаб,  
Орзуларим олиб кетади.

Гунг,  
Безабон.  
Лек олов ишқни  
Асрамасак кўнгил тўлмайди!?

Мунг  
Ва армон  
Тўлган қўшиқни  
Куйламасак энди бўлмайди...

\* \* \*

Фурур...  
Мени тинч қўй, бир нафас.  
Севгилимнинг кўзига боқиб,  
Севишимни айтиб олайин...

Мағрур,  
Бахтни кутишим абас.  
Майли, кўнгил кўйида оқиб,  
Муҳаббатим билан қолайин.

Ахир,  
Токай чидашим мумкин,  
Изтиробнинг измида дилхун,  
Садоқатнинг заволлариға?..

Охир,  
Олай бир лаҳзага тин...  
Жавоб изламасдан туну кун,  
Хиёнатнинг саволлариға...

Фурур  
Мени тинч қўй бир нафас...



\* \* \*

Ҳасратларим юрагимга кетди тўлиб,  
Ғунча эдим, очилмасдан бўлдим сўлиб,  
Қани энди севгилимга малак бўлиб,  
Қаро тунни оппоқ тонгга улай олсам...

Дард азоби, қалб азоби эди ёмон,  
Лек умидим узилмади ишқдан ҳамон.  
Хотиралар...  
Бокиралар...  
Орзу-армон...  
Қани энди сиздан кечиб ухлай олсам...

Ғариб дунё бошимга не кунлар солди,  
Юрагимга қасос ила хунлар солди.  
Ёлғизгина тушунгувчим Тангрим қолди...  
Қани энди иродамни қўлга олсам...

Ҳаёт шу-да кечираман бири камни,  
Юкласа ҳам гарданимга буюк ғамни,  
Учратсам бас, хаёлдаги шаҳзодамни,  
Розиман мен минг азобу изтиробга,  
Лабим тегса бас ишқ отлиғ талх шаробга...

\* \* \*

Сизсиз юрак сиқилиб кетди,  
Бардош чокми, сўкилиб кетди,  
Ундан ашқлар тўкилиб кетди,  
Чидолмайман фиरोққа мардим,  
Сизни бугун жуда соғиндим.

Лаҳза ҳижрон аср туюлар,  
Бир лаҳзада минг жон ўйилар,  
Гар Сиз десам, дунём суюнар,  
Дилдан тошиб кетмоқда дардим,  
Сизни бугун жуда соғиндим.

Юрагимда шодлик йўқолди,  
Оҳ, йўлларда аламим қолди,  
Сизни куйлаб қаламим толди,  
Изтироблар учун оғриндим,  
Сизни бугун жуда соғиндим.

Сиздан қолган хотира иссиқ,  
Муштоқ қалбим висолга интиқ,  
Кўп чўзилмаса бас айрилиқ,  
Бегим, дея сизга топиндим,  
Сизни жуда... жуда соғиндим...

## СЕВГИЛИМ

Ёруғ тунлар  
Тунларим бедор,  
Йўлингизни кутиб интизор.  
Муҳаббатга бермайман озор,  
Бир бор йўқлаб келинг, севгилим.

Фироқ этди дилимни хира,  
Хотиралар тарк этмас сира.  
Мен севгига бўлдим асира,  
Бир бор йўқлаб келинг, севгилим.

Ўшардингиз худди офтобга,  
Сизсиз юрак тўлди зардобга.  
Айланмоқда орзу саробга,  
Бир бор йўқлаб келинг, севгилим.

Гар куйласам баётимда — сиз,  
Кўз ёш тўксам фарёдима — сиз,  
Сизни севдим, ҳаётимда — сиз,  
Бир бор йўқлаб келинг, севгилим.

Суюклигим, жоним, жаҳоним,  
Ҳамроҳ менинг ўтли армоним,  
Ҳеч бўлмаса...  
Энг сўнгги оним,  
Бир бор йўқлаб келинг, севгилим.

Суюклигим, жоним, жаҳоним,  
Ҳамроҳ менга ўтли армоним,  
Ҳеч бўлмаса...  
Энг сўнгги оним,  
Бир бор йўқлаб келинг, севгилим...

## ЮРАГИНГИЗ

Сизнинг юрагингиз менга қоронғу,  
Билмам балки сиз ҳам ёнурсиз пинҳон.  
Менинг дилимни-чи ўртар минг туйғу —  
Оташин муҳаббат, вафо ва армон.

Сизни кўрган кундан йўқдир ҳаловат,  
Томирдан қон эмас олов оқади.  
Сизга айлағайман минг йил садоқат,  
Балки шунда бахтим кулиб боқади.

Соғинч азобида қийналар қалбим.  
Боғимни бунчалар бефарқ кездингиз?  
Айтинг, наҳот ишқим гуноҳим, айбим,  
Айтинг, наҳот мендан шунча бездингиз.

Не бўлса майлига ишқим-қисматим,  
Сизнинг борлигингиз менга олий бахт.  
Дилда мангу қолур илк муҳаббатим  
Ёрқин хотиралар ва асралган ақд...

\* \* \*

Айтинг, менга севар ёрим тилагимни,  
Гард юқтирмай асраганим — юрагимни,  
Мен сиз учун атаганим биласизми?  
Айтинг, мени чин бахтиёр қиласизми?

Келинг,  
Бир бор юзингизга боқай тўйиб,  
Армонлардан зада бўлди, дилим куйиб.  
Келмасангиз, кутаману, изламарам,  
Етар менга сиздан қолган пок хотира.

Бир кун келиб, соғинч сизга ёр чоғида,  
Лола янглиғ очиламан қалб боғида.  
Излағайсиз изларимни шунда бегим,  
Дилингизга ором бермас менинг севгим.

Оҳ, мендайин севолмайди сизни ҳеч ким...

## СЕВАВЕРАМАН

Азизим, мен сени севавераман,  
Сочларимга қорлар ёққанида ҳам.  
Азизим, мен сени севавераман,  
Сен ўзинг дардимга ягона малҳам.

Азизим, мен сени севавераман,  
Тақдир тош отса ҳам менинг бахтимга.  
Борсанки, борлигим бўлади чаман,  
Хиёнат қилмайман ушбу аҳдимга.

Азизим, мен сени севавераман,  
Онт ичдим, юлдузлар бўлди гувоҳим.  
Сени дея майли мен жоним бераман,  
Сени деб яшайман, сен чин паноҳим.

Азизим, мен сени севавераман,  
Бир умр қоламан шу ишққа содиқ.  
Сенга дил боримдан гуллар тераман,  
Садоқат, вафолар қиламан тортиқ.

Азизим, мен сени севавераман...

## АСРАДИМ

Неча йиллар ўтди, неча кун ўтди,  
Дилимни тирнади дарду ҳасратим.  
Ҳажрнинг қўллари ёқамни тутди,  
Мен эса севгимни, сизга асрадим!

Қалбимда, жонимда, титровимдасиз,  
Мен сизни жон қадар севаман, мардим.  
Ёдда тутинг доим, ардоғимдасиз.  
Ёлғизим, севгимни, сизга асрадим!

Менга кўз тикканлар нигоҳларига,  
Сизнинг хаёлингиз қалқон айладим.  
Дош бериб юракнинг дард, оҳларига,  
Покиза севгимни, сизга асрадим!

Бизни олис йўллар айириб турар,  
Айрилиқ аталмиш бу алёр қадим,  
Юрагим исмингиз такрорлаб урар,  
Азизим, севгимни, сизга асрадим!

Сўнги нафасгача содиқман Сизга,  
Садоқат малҳамим, садоқат дардим.  
Парво қилмасангиз ҳам ошиқ қизга,  
Барибир...  
Севгимни сизга асрадим!!!

\* \* \*

Қалбимда яшадинг шунча йил,  
Жон қадар яширдим исмингни.  
Кўрганда қувонар бу кўнгил,  
Сендан ёлғиз ёдгор —  
Расмингни...

Энди бунга чек қўйиш керак,  
Муҳаббатдан кўнглим тўлмайди.  
Ҳақ сўз айтай мен сенга, юрак,  
Ўтмиш билан яшаб бўлмайди.

Қўл силтаб кетаман барига,  
Армондан мен бахтни йўнаман.  
Сени кўмиб қалбим қаърига,  
Мен азал қисматга кўнаман...

\* \* \*

Майин - майин шаббодалар сочим силарди,  
Сирларимни фақат ойу юлдуз биларди.  
Ойдан ойдин орзуларга рўёб тиларди.  
Фақат менинг борлигимни сиз сезмадингиз!

Йўлингизда нигоронман кўзларимда ёш,  
Юрак дарддан зирқирайди, тугади бардош.  
Хоҳлар эдим бўлишингиз энг яқин сирдош,  
Фақат менинг борлигимни, сиз сезмадингиз.

Исмингизни такрорласам, сўзларим латиф,  
Исмингизни такрорласам, ҳисларим заиф.  
Исмингизни такрорласам, дол қаддим алиф,  
Фақат менинг борлигимни сиз сезмадингиз.

Муҳаббатга тайёрладим қалбимда қабр,  
Сўнг тиладим Худойимдан тоғдайин сабр.  
Қилмадингиз энг покиза туйғуни қадр,  
Наҳот, сизга зорлигимни ҳеч сезмадингиз?..

## ТОШ

Сизсиз дунё менга тор бўлди,  
Ҳар қадамда қайғу бор бўлди.  
Севги — сароб, ишқ озор бўлди,  
Юрагингиз тошмиди, айтинг?

Баҳоримда кузлар йирлайди,  
Қаро-қаро кўзлар йирлайди.  
Армонларим дилим тирлайди,  
Юрагингиз тошмиди, айтинг?

Сезмадингиз, мен ҳам бор эдим,  
Бир нигоҳга интизор эдим.  
Чертилмаган таранг тор эдим,  
Юрагингиз тошмиди, айтинг?

Бешафқатим, беҳис, бедилим,  
Ишқингизда юрагим тилим.  
Нечун, нечун, сиз нечун жим,  
Юрагингиз тошмиди, айтинг?



## ИҚРОР

Мен сизни севардим, севаман ҳамон,  
Орадан неча йил ўтган бўлса ҳам.  
Қалбимда яшайсиз, ҳар вақт, ҳар он,  
Хаёлингиз бўлар дардимга малҳам.

Қалбим ардоғида, дил титроғида,  
Асрайман исмингиз жон қадар суйиб.  
Бирга бўлолмадик биз ишқ боғида,  
Ҳатто кўзингизга боқмадим тўйиб.

Ниҳон изтиробнинг асирасиман,  
Ҳижрон юрагимда якто малика.  
Армон деб аталмиш ағёр — ёсуман,  
Оқ орзу қасрига бўлди-ку бека.

Бари сизсизликда қолганлигимга,  
Бир жазо айбсиз айбдор учун.  
Аламлар қамалиб яшар кўксимга,  
Қачон бу азоблар топади яқун?

Азизим, жон қадар севаман сизни,  
Бахтлиман ва сизга этурман ҳавас.  
Сизга бахтлар тилаб юргувчи қизни,  
Гоҳ-гоҳ ёдга олиб туролсангиз бас...

## **СЎЗ БЕРАМАН**

Сўз бераман, энди ҳеч қачон,  
Йўлларингни пойлаб турмайман.  
Ногоҳ қулаб тушса ҳам осмон,  
Сени ўйлаб хаёл сурмайман.

Сўз бераман, сендан эсдалик,  
Хотирларни ёқиб ташлайман.  
Юрагимни қамрамай ҳадик,  
Буткул ўзга ҳаёт бошлайман.

Сўз бераман, исмингни дилдан  
Ўчираман, ҳеч иккиланмай!  
Сўнгра буюк УНУТИШ билан,  
«Ғалаба», деб кўтараман май!?

Сўз бераман, барчаси тамом!  
Изтироблар, сизга алvido!..  
Ассалом бахт, шодлик ассалом,  
Сизни кутиб, бўлдим-ку адо!

Сўз бераман...  
Бўлди...  
Бас...  
Етар...  
Ёлғон қасам кимга ҳам керак?  
Сенинг дардинг қабрга элтар,  
Алдовларга ишонамас юрак!!!

\* \* \*

Ушалмас орзуим, яхши қол,  
Алвидо, азизим, кечиргин...  
Энди сўнг сўзимга қулоқ сол,  
Хотирларни ёддан ўчиргин!

Мен ҳам бир йигитта маъбуда,  
Севгиси қалбидай беғубор.  
Яхшироқ эмасми, беҳуда  
Ёнмоқдан у учун бўлмоқ ёр?

Ахир биз икки қутб, икки тор,  
Биз икки дунёнинг фарзанди.  
Юракда қолади мангу доғ,  
Бахтим эса бўлар асранди...

Алвидо, азизим, алвидо...

\* \* \*

Ҳижрондан, армондан тўқаман кўз ёш,  
Туғаб бормоқдадир юракда бардош.  
Сизга айтолмаган латиф изҳорим,  
Мен ойга айтаман, у менга сирдош.

Лек сизга айтмасман, айтмасман зинҳор,  
Майлига фироқлар берса ҳам озор.  
Қалбимда барқ урган покиза ишқни  
Абадий асрайман, бўлмайман иқрор.

Сизни шодон кўрсам менга етар бас,  
Бахтингиздан ўзга нарса керакмас.  
Бағримга босганча буюк армонни,  
Сиз севган гўзалга қиламан ҳавас.

## **КЕТДИНГМИ**

Менинг қароғимга такрор ёшинди,  
Бахт бодаси тўлган қадаҳлар синди.  
Қувончни куйлаган қўшиқлар тинди,  
Муҳаббат кетдингми, кетдингми, мендан?!.

Қўл чўзсам юлдузга етарди осон,  
Бугун юз угирди замин у осмон.  
Сендан ёдгор қолди алам ва армон,  
Муҳаббат кетдингми, кетдингми, мендан?!.

Сени қуёшдайин тафтли, дегандим,  
Сени болдан ширин, тотли, дегандим.  
Сенга бутун борлиқ, борим бергандим,  
Муҳаббат кетдингми, кетдингми мендан?!.

Сендан кўп бор кетиб ва қайтдим такрор,  
Сен менга, мен сенга бўлдик-ми озор?  
Энг сўнги дам эса...  
Йиғладим зор-зор,  
Муҳаббат кетдингми, кетдингми, мендан?!.

## КЕЧМАЙМАН

Ҳаётимга хоқон бўлдингиз,  
Пок севгимга султон бўлдингиз.  
Бир умрлик армон бўлдингиз,  
Армонлардан асло кечмайман.

Сизни кўрсам ажиб бир туйғу,  
Ҳисларимга бахш этар орзу.  
Сизсиз менга дунё қоронғу,  
Офтобимдан асло кечмайман.

Жилмайсангиз дилимда қувонч,  
Юрагимда севгига ишонч.  
Ҳисларимда ҳижронли ўтинч,  
Ҳижронлардан асло кечмайман.

Ҳажрингизда майли қон ютай,  
Майли дунёларни унутаи.  
Бир умрга севгингиз кутаи...  
Шу илинждан асло кечмайман...

## УНУТДИМ

Унутдим, мен сизни унутдим,  
Ғамгамас, шодликка юз тутдим.  
Шоҳ менда, сиз мотсиз, мен ютдим,  
Унутдим, мен сизни унутдим.

Беором ва бедор тунларни,  
Сизни деб бўзлаган кунларни,  
Ҳижронни, аламини, хунларни,  
Унутдим, барини унутдим.

Қалбимга ўт солган нигоҳни,  
Унутдим айрилиқ — фироқни,  
Юракни ўртаган ишқ доғин  
Унутдим, барини унутдим.

Ўн етти баҳорим оҳусин,  
Дунёнинг энг латиф туйғусин,  
Севгининг бахт берган қайғусин,  
Унутдим... бу алдов бир ширин —  
Лек сизни... Соғиндим яширин...

\* \* \*

Саболарга дил дардимни тўкиб солдим,  
Қаламлардан аламларнинг ўчин олдим.  
Сизсиз бош-адоқсиз саҳрода қолдим,  
Нетай, ҳижрон азобидан учди ҳушим,  
Ўнгдан келармикан ҳар тун кўрган тушим?..

Яна кўз ёш...  
Ёлғиз таскин зор кўнглимга...  
Сизни эмас, шеърим босдим мен кўксимга.  
Ҳасратларим айтолмайман мен ҳеч кимга,  
Зада бўлди изтиробда дилим маним,  
Ёлғон эрур сизсиз бахтли яшаганим.

Токай тақдир ўйинчори бўлодирман,  
Қачон ишқнинг кўзмунчори бўлодирман.  
Балки бевақт фироғларда сўлодирман,  
Оҳ, Художон раҳминг йўқми, мен дилхунга,  
Атаганинг лаҳча чўғми, мен дилхунга?

Бор шодлигим сизни кўрган онимдадир,  
Гул исмингиз юрагимда, жонимдадир.  
Ишқ деб унган гул-лолалар қонимдадир,  
Бўстонимга булбул бўлинг, бағритошим,  
Зора чиқса осмонимга бахт қуёшим...

\* \* \*

О, менинг мунаввар баётим,  
Борлигим маҳв этар хаёлинг.  
Ҳижрон кўз-кўз этар атайин,  
Қалбимга чўр солган жамолинг.

Қошингга бош эгиб борайми,  
Унутиб аразу гинани?  
Биламан, барибир ҳеч бир қиз,  
Мендайин севолмас ҳеч қачон.

Лек гурур йўлимга ров бўлиб,  
Тиконлар сочади ҳар нафас.  
Мен барча ёвларни енгаман,  
Унгача...  
Сен мени кутсанг бас!!!

\* \* \*

Ёзганларим ҳеч вақо эмас!..  
Бу шунчаки бемаъни гаплар...  
Шеър ишқида ёнганим билан  
Сафсатага тўлмоқда дафтар...

Нима қилай қўлдан келмаса,  
Шоиралик...  
Лек интилиш бор!!!  
Пича кутинг...  
Мен ҳам ёзаман...  
Интилганга ахир толе ёр!..



\* \* \*

Сендан севги сўрамайман йўқ,  
Висолинг ҳам керакмас сира.  
Қалбимга нигоҳ-ла отдинг ўқ,  
Хаёлларга этдинг асира...

Бас, етар...  
Муҳаббат қасрига  
Жойладинг покиза севгимни...  
Қўрқаман майллар қасрига  
Йўқотиб қўйишдан бегимни...

Қалбимни тўрида яшагин,  
Хазон не билмайди, у — чаман!  
Ёнимга келмагил,  
Кўзингда...  
Ўзгани кўришдан қўрқаман...

Хаёллар мен билан бўлса бас...

\* \* \*

Сизни менга ёмон, дедилар,  
Ваъдангизни ёлгон, дедилар.  
Қалбимизни тушунмай улар,  
Бизни айирдилар...

Тушга айланди-ку ўтмишим,  
Абадий бўлсайди бу тушим,  
Бошимдан учириб эс-ҳушим,  
Бизни айирдилар...

Нетайлик?  
Севгилим, нетайлик?  
Қандоғам муродга етайлик?!  
Юринг, осмонларга кетайлик,  
Бизни... айирмасинлар...

## ТИЛАК

Йирладингиз бугун мени сиз,  
Тушунмасдан юраккинамни...  
«Бахтли бўлинг!»  
Ушбу сўзингиз  
Жойлади-ку дилга аламни...

Мен Тангримга ёлвориб:  
Ҳижрон,  
Азоблардан қутқар, дегандим.  
Пешонамга бир умр армон,  
Сўзин ўйиб ёздингиз, мардим!?

Қарғамайман сизни...  
Бенажот  
Ва йирлоқи муҳаббат учун,  
Кўксимдаги битмас жароҳат,  
Ва сотилган садоқат учун.

Фақатгина омад, бахт сизни  
Бир умрга ёрингиз бўлсин!  
Ҳеч ўйламанг, мен бахтсиз қизни,  
Қадамингиз қувончга тўлсин!

«Бахтли бўлинг!»  
Бу тилагингиз  
Бунчалар ҳам бўлмаса оғир?  
Тошдан совуқ — муз юрагингиз  
Сўзларидан дилгинам оғрир...

Богим узра етаклаб кузни,  
Қулатдингиз тоғ бардошимни.  
Уволи лек тутмасин сизни,  
Кўзларимдан оққан ёшимнинг...

Йирлатдингиз...  
Бахтли бўлинг, деб...

\* \* \*

Бўлди мени кечирманг энди,  
Кечдим дея айтинг ушбу дам...  
Ўтда ёнсин бор хонумоним,  
Севгимизга очайлик мотам...

Дил азобда, қалб изтиробда,  
Кўзингизга қарай олмайман.  
Алам ўртар мени шу тобда.  
Ўз-ўзимни кечиролмайман...

Чашмадай соф ишқингизни сиз,  
Ўзга гулга иноят айланг.  
Мен нигоҳи гирён битта қиз,  
Ҳеч ўзгара олмасам найлай...

Бўлди, мени кечирманг энди...

\* \* \*

Яна менга ишондинг нега,  
Нега ташлаб кета қолмайсан?  
Юрагингга озор берсам-да,  
Айтгил, нега меңдан тонмайсан?

Бир бевафо, маккоралигим,  
Биласан-ку, тан олмайсан ҳеч.  
Соя каби изларимда жим  
Юраверма, қўйгил мени тинч...

Мен сеники бўлмайман сира,  
Юраги муз, ҳиссиз сувратман...  
Музлаб қолган муҳаббатимни  
Ўтинаман, қайта уйротма...

\* \* \*

Кўзларимдан оққан дарё жола ҳаққи,  
Бўғзимда муз қотган оҳу нола ҳаққи,  
Сиз илк бора тақдим этган лола ҳаққи,  
Ишқ гулини хазон этманг, мендан кетманг.

Ишққа ватан бўлдим фақат сиз туфайли,  
Мажнун бўлинг, кўйингизда ўзим Лайли.  
Армоним йўқ шу дард билан ўлай, майли,  
Бахт сўзини арзон этманг, мендан кетманг.

Муҳаббатнинг оловида хаста дилим,  
Сизга атаб асрар ширин сўзни тилим.  
Сиз айтдингиз...  
«Яғонамсиз, сиз севгилим»,  
Ваъдангиздан асло қайтманг, мендан кетманг.

Севги сийлар бизни албат чин бахт билан,  
Тилло-зармас, бахтдан бунёд бир тахт билан.  
То умрбод яшагаймиз пок аҳд билан,  
Орзуларим сароб этманг, мендан кетманг.

\* \* \*

Изтироб измида дили хун,  
Қон йиғлар, севгиси армон қиз...  
Бўғзига қадалган фарёд, ун,  
Садоқат қалбига қалқон қиз...

Мен севинг дилдошинг бўлойин,  
Унутгин бевафо ёрингни...  
Азизам, кел энди, изн бер,  
Қаламга айтайлик борингни...

\* \* \*

Ҳижроннинг тор, берк кўчалари,  
Қандоқ сиздан чиқиб кетайин?  
Ҳаловатсиз тун кечаларим,  
Дастингиздан...  
Айтинг нетайин...

Ҳалоскорим, қийналдим ёмон,  
Олиб кетинг бу шабистондан.  
Ғуноҳларим кечириб бу он,  
Паноҳ беринг кавкабистондан.

Йўлчи юддуз бўлинг менга сиз,  
Кетай бевафолар кўшқидан.  
Йиғлай, пойингизга чўкиб тиз,  
Гуллар унсин тўккан ашқимдан.

Тангрим кечиргувчи  
Лекин сиз,  
Мен осийни кечирасизми?  
Ёнингизга қайтса гулингиз,  
Бағрингизга яширасизми?!.

## ДАДАЖОН

Меҳрингиз ошкора айтмайсиз, лекин  
Сезамиз биз уни дилдан, дадажон.  
Бу умр қарвони ўтмоқда секин,  
Сизсиз тор кўринур бизга кенг жаҳон.

Онам сочимизни сийпалаб, силаб,  
Изҳор этар юрак ҳароратини.  
Биламан сиз бизга умрлар тилаб,  
Асрайсиз оила ҳаловатини.

Қуёшга тимсолсиз, дадажоним, сиз,  
Бизга парвонасиз, ҳар дам, туну кун.  
Меҳринг уммони асли қалбингиз,  
Биламан, яшайсиз фақат биз учун!

Биламан, дадажон, биламан сизни,  
Биз сизга ифтихор, сиз бизга мадад.  
Жондан суйиб ўвил-қизларингизни,  
Шукрона айтасиз Ҳаққа беадад.

Оллоҳ паноҳида асрасин доим,  
Ҳамроҳингиз бўлсин роҳат-фароғат.  
Онам билан қўша қаринг илойим,  
Барча ниятингиз бўлсин ижобат!

## МУНДАРИЖА

Хуршидабону. «Нурли манзиллар сари» .....	3	Мендан ўтган ўжар экансиз .....	28
Ватан .....	5	Ишқ дея .....	29
Чизгин-чизгин ёғдуларга уфқ чўлғонди, .....	6	Айро йўллар .....	30
Қизғалдоғим .....	7	Барибир... .....	31
Хитоб .....	8	Эрта ё ивдинга қайтиб бораман .....	32
Сингилжовим, майли йиғла мардлар учун, .....	8	Мендан кетиб кўринг, азизим .....	33
Дугонам... .....	9	Тавалло .....	34
Дўстим .....	10	Дилфуз .....	35
Одамлар .....	10	Эй, сулув жаноним, моҳитобоним .....	36
Изтироб .....	11	Кўшни қишлоқ қизгинангни узатдингми? .....	37
Орзулар .....	11	Бегим .....	38
Куз .....	12	Тув... .....	39
Турналар .....	13	Фурур... .....	40
Сўнги япроқ... .....	14	Ҳасратларим юрагимга кетди тўлиб .....	41
Атиргул .....	15	Сизсиз юрак сиқилиб кетди .....	42
Мажнунгол .....	15	Севгилим .....	43
Фарёд .....	16	Юрагингиз .....	44
Тоғлар .....	17	Айтинг, менга севар ёрим тилагимни .....	44
Илтижо .....	18	Севавераман .....	45
Сандин ўзга .....	19	Асрадим .....	46
Муҳаббатга ошно қалблар .....	20	Қалбимда яшадинг шунча йил .....	47
Тингланг... .....	20	Майин-майин шаббодалар сочим силарди .....	47
Шаҳзодам .....	21	Тош .....	48
Бахт баёти .....	22	Иқроқ .....	49
Аҳд .....	23	Сўз бераман .....	50
Келдингиз .....	24	Ушалмас орзуим, яхши қол .....	51
Азизим, қалбингиз куйдирган туйғу .....	25		
Меҳрибоним, меҳри бисёрим .....	26		
Кўзларинг... .....	27		
Ранжимайман қисматимдан .....	28		

Ҳижрондан, армондан	Сизни менга ёмон, дедилар ...	57	Тилак	58
тўқаман кўз ёш .....	51	Бўлди мени кечирманг		
Кетдингми .....	52	знди, .....	59	
Кечмайман .....	53	Яна менга ишондинг нега ..	59	
Унутдим .....	54	Кўзларимдан оққан дарё		
Саболарга дил дардимни		жола ҳаққи, .....	60	
тўкиб солдим .....	55	Изтироб измида дили		
О, менинг мунаввар		хун .....	60	
баётим .....	56	Ҳижроннинг тор, берк		
Ёзганларим ҳеч вақо эмас!..	56	кўчалари, .....	61	
Сендан севги сўрамайман		Дадажон .....	62	
йўқ .....	57			

Адабий-бадий нашр

**АРОФАТ УСМОНОВА**

**ИШҚ ФАСЛИ**

*шеърлар*

Муҳаррир	А.ҚУТБИДДИН
Бадий муҳаррир	Б.БОЗОРОВ
Техник муҳаррир	Е.ДЕМЧЕНКО
Мусаҳҳид	А.ТОЖИЕВ
Компьютерда саҳифаловчи	Р.ЕСАУЛЕНКО

ИБ № 4126

Босишга 30.12.05 й. руҳсат этилди. Бичими 84x108 1/32.

Босма тобоғи 2,0. Шартли босма тобоғи 3,36

Адади 1000 нуска. Буюртма № 4.

Баҳоси келишилган нарҳда

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди  
700113. Тошкент. Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.